

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР  
ТИЗИМИДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ РОЛИ

THE ROLE OF THE PRINCIPLES OF TOLERANCE IN THE SYSTEM OF INTERNATIONAL  
POLITICAL AND ECONOMIC RELATIONS WITH UZBEKISTAN

РОЛЬ ПРИНЦИПОВ ТОЛЕРАНТНОСТИ В СИСТЕМЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ  
ПОЛИТИЧЕСКИХ И ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ С УЗБЕКИСТАНОМ

Эрназаров Дилмурод Зухриддинович –

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедраси  
доценти, сиёсий фанлар доктори (PhD)

**Аннотация:** Мазкур мақолада замонавий сиёсий жараёнда толерантлик муаммоси ҳар қандай давлатчиликнинг ривожланиш истиқболларини ҳаракат қилинган. Толерантлик – бу ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини ўз ичига олган мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. Толерантлик – тўсиқларнинг йўқлиги, хилма-хилликни қабул қилиш, бундай ижтимоий гуруҳининг ривожланишига ҳисса қўшадиган, турли касблар вакиллари ўртасида ижодий алоқаларни ўрнатишга ёрдам берадиган барча фуқаролар ва субъектлар учун янги имкониятларни тақдим этади ва янги инновацион ғоялар пайдо бўлишига шарт-шароит яратади. Унинг таркибига этник, миллатлараро, маданиятлараро, диний, сиёсий, ижтимоий, конфессиялараро ҳамжиҳатлик каби йўналишлар киради. Модернизация ва қадриятлар тизими толерантлик билан боғлиқлигини илмий асослаш замонавий гуманитар фанларнинг асосий муаммоларига айланди.

**Калит сўзлар:** сиёсий толерантлик, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар (ХННТ), ННТлар, сиёсий партиялар, жаҳон сиёсатининг бифуркацияси, сиёсий-иқтисодий жараёнлар.

**Abstract:** This article discusses the problem of tolerance in the modern political process and the prospects for the development of any state. Tolerance is a complex and multifaceted phenomenon that includes various aspects of social life. Tolerance – the absence of barriers, the acceptance of diversity, which contributes to the development of such a social group, contributes to the establishment of creative relations between representatives of different professions, provides new opportunities for all citizens and subjects, creates conditions for the emergence of new innovative ideas, including ethnic, interethnic, intercultural, religious, political, social, interfaith solidarity. The scientific substantiation of the connection between modernization and the value system with tolerance has become one of the main problems of modern humanities.

**Key words:** political tolerance, civil society institutions, international non-governmental non-profit organizations (INGOs), NGOs, political parties, bifurcation of world politics, political and economic processes.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается проблема толерантности в современном политическом процессе и перспективы развития любого государства. Толерантность – сложное и многогранное явление, включающее в себя различные стороны общественной жизни. Толерантность – отсутствие барьеров, принятие разнообразия, что способствует развитию такой социальной группы, способствует установлению творческих отношений между представителями разных профессий, предоставляет новые возможности для всех граждан и субъектов, создает условия для возникновения новые новаторские идеи, включающие этническую, межэтническую, межкультурную, религиозную, политическую, социальную, межконфессиональную солидарность. Научное обоснование связи модернизации и системы ценностей с толерантностью стало одной из главных проблем современных гуманитарных наук.

**Ключевые слова:** политическая толерантность, институты гражданского общества, международные неправительственные некоммерческие организации (МНПО), ННО, политические партии, бифуркация мировой политики, политико-экономические процессы.

## **Кириш**

Илмий доираларда сиёсий толерантлик масаласи қизғин бахс-мунозарага себаб бўлмоқда. Ўзбекистонда толерантликни юқори даражада бўлиши мамлакатни демократлаштириш жараёнларининг муҳим кўрсаткичидан биридир. Шунинг учун ҳам демократик янгиланишлар йўлидан кетаётган давлатларда сиёсий толерантлик масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон учун ҳам бу масаладолзарб масалаҳисобланади.

Сиёсий толерантликнинг сиёсий жараёндаги роли ва аҳамияти унинг моҳиятидан келиб чиқади. Фуқароларнинг турли сиёсий қарашларга, ўзгаларининг фикрларига муносабати, халқаро муносабатлар, сиёсий жараёнлар субъектлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатларидасиёсий толерантликнинг турли шаклларини кўриш мумкин. Шахснинг сиёсий толерантлик даражаси уни кўп жиҳатдан унинг бошқа одамлар билан муносабатлар тизимини белгилаб беради. Кўпгина социологик ва сиёсий назарияларида жамиятнинг толерантлик даражаси, маънавий, ахлоқий, ижтимоий, сиёсий ва давлатни барқарор иқтисодий ривожланишининг асосий мезонларидан бири сифатида қаралади.

Толерантлик сиёсий фаолият сифатида Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан – миллий юксалишга, деган принципини амалга оширишнинг асосий шартига айланмоқда. Шубҳасиз, ҳозиргипайтдаушбумуаммоларнинг ечими толерантликнинг сиёсий жараёндаги ролини минтақавий жиҳатдан ўрганишнинг долзарблигини белгилайди.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Илк халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари (International non-governmental organization – INGO) XIX – асрда пайдо бўла бошлаган ва уларнинг сони ўсишининг энг кучли тўлқини XX асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган. “Халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар йилномаси”да тўлиқ маълумотлар келтирилган. Ушбу рўйхатда 25 000 та ХННТлар, 5000 та халқаро хукуматлараро ташкилотлар (ХХТ) келтирилган бўлиб, ҳозирда уларнинг кўплари ўз фаолиятини тўхтатишган. Халқаро ташкилотлар бўйича

2020 йилги академик маълумотлар тўпламига кўра, 561 та хукуматлараро ташкилотлар тузилган бўлиб, ҳозирда улардан учдан бир қисми фаолиятда эмас. [1]

Тадқиқотчи М.Кадировнинг фикрича, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларининг жаҳон сиёсатидаги иштирокини таъминлаш ва сиёсий масалалар бўйича кенг доирадаги мулоқотини уюштириш, иқтисодий, инсон ҳуқуқлари, гендер масалалари, ирқчилик, ижтимоий адолат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига оид масалаларни БМТнинг кун тартибига киритиш; жаҳон жамоатчилиги фикрини уйғотиши, керакли ҳолларда сиёсий босимни ташкил қилиш; БМТ бўлинмалари билан мулоқот ва маслаҳатларни уюштириш; халқаро конференция ва форум ишида иштирок этиши; миллий ва минтақавий даражада давлат сиёсатига таъсир ўтказиши; кундалик фаолиятида янги ёндашувларни қўллаш, янги ахборот ва билимларни тарғиб этиши ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Фуқаролик жамияти институтларининг жаҳон хукуматлараро ташкилотлар фаолиятига таъсири “янги глобал архитектура” юзасидан мунозараларда иштирок этиши; БМТни ислоҳ қилиш бўйича тадбирларда қатнашиши; БМТ бошқарувида бевосита иштирок этиши ва ҳоказолар киради. [2. р. 84]

Россиялик тадқиқотчи В.В. Овсепяннинг келтирган таснифи тўғри. Бунинг сабаби ўрганилган бошқа илмий манбааларда [3. р. 18-19] ҳам шунга яқин тасниф келтирилган. Бизнинг фикримизча, ушбу соҳалар кўплаб ХННТлар фаолиятининг асосини ташкил этади.

ХННТлар халқаро ҳуқуқ субъектларини ўз ичига олмайди. Экспертларнинг фикрига кўра, халқаро хукуматлараро ва халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги фарқ шундаки, уларнинг ташкил этилишининг ҳуқуқий асосига асосланади ва давлатлар сувенирите билан боғлиқ. [4. р. 56]

Тадқиқотчи Ладор-Ледерер ҳам шунга ўхшаш фикри айтган, у ХННТлар ҳар қандай демократик институтлар ва бирлашмаларга қараганда кўпроқ босим гуруҳлари сифатида ўзини намоён қиласди, деб ҳисоблайди. Кўп ҳолларда ХННТлар фойдали вазифаларни бајарадилар. [2. р. 377]

Юқоридагиларга асоланган ҳолда айтиш мумкини, ХННТларнинг жамият ҳаё-

тини модернизация қилишдаги иштироки турлича усул ва йўлларига эга бўлади. Бунда жамиятнинг иқтисодиёти, сиёсати, ижтимоий муносабатлари, маданий соҳаларини қайта ташкил этилишида умумий стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни замон талабига мослаштириш лозим бўлади.

### **Тадқиқот методологияси**

Диссертацияда тарихийлик, комплекс ёндашув, тизимли таҳлил, ҳодислар таҳлили (ивент-анализ), кузатув, қиёсий таҳлил, индукция, дедукция, методларидан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Хорижий тадқиқотчиларнинг қатор изланишларида ҳозирги халқаро муносабатларга оид қўйидаги тушунчалар ўз аксини топган: 1) “аполяр дунё” [6] 2) “қирғоқсиз глобаллашув” [7. р. 176] 3) “ассоциациялар инқилоби”. [8. р. 42] Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатадики, миллий давлатни жаҳон сиёсатидаги нуфузи ва имиджини шаклланишида халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва аҳамияти катта. Давлат қанчалик уларга нисбатан сиёсий-иктисодий жиҳатдан толерант бўлса, ўзаро ҳамкорлик соҳалари янада кенгаяди. Давлатнинг барча соҳалардаги барқарор ривожланиши ва унинг жаҳон стандартларига тенглашиш жараёни кузатилади. Бироқ, ҳар қандай толерантликнинг чегараси бўлгани каби, ХННТларга нисбатан сиёсий толерантликнинг ҳам чегараси бўлиши лозим.

Уларга нисбатан сиёсий толерантлик чегараси қандай ўрнатилади? Бунинг учун ХННТларни аддия вазирлигидан рўйхатдан ўтказиш вақтида уларнинг Низоми ва Ҳаракат Дастурлари асосида амалга ошириш лозим. ХННТларган сиёсий толерантлик муносабатида бўлиш ўша давлатнинг тарихи, миллий қадриятларига, урф-одатлари, сиёсий қарашлари, геосиёсий жойлашуви ва бошқа жиҳатларига мос келиш ёки келмаслиги асосий меъзон ҳисобланади.

**1. Ўзбекистонда халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан сиёсий-иктисодий жиҳатдан толерантлик муносабати.**

XX аср охири – XXI асрнинг бошларида халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар

жаҳон сиёсий- иқтисодий жараёнларида фаол иштирок эта бошлади. Бугунги кунда халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар гуманитар, ижтимоий, қонунчилик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экология, иқтисодиёт, илм-фан, журналистика, спорт, сиёсат, дин ва бошқа соҳаларини модернизация қилишда фаол иш олиб бормоқда.

Бизнинг фикримизча, уларнинг аҳамиятини, биринчи навбатда, глобаллашув шароитида давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг турли моделлари ва жаҳон сиёсатининг бифуркациясишароитидаЧННТларнингтаъсир доираси ҳам кенгая бошлади. ХННТлар турли давлатлар, ҳуқуматлар миллий жамоалар билан ишлаш орқали сиёсий ҳокимиятга тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир қилишга интилишади. Шу билан бирга, давлатлар ўзларининг ташқи сиёсий воситаларини замонавий дунё сиёсатининг талабларига мувофиқ такомиллаштириш мақсадида ХННТлар салоҳиятидан унумли фойдаланишга интилишади.

ХННТлар бу – глобал миқёсдаги ижтимоий-сиёсий институтдир. Бундан ташқари, сўнгги йилларда улар дунё глобал сиёсатини шакллантиришга тобора кўпроқ жалб қилинмоқда. ХННТ икки хусусиятга эга. Биринчиси, улар халқаро фаолиятни замонавий жаҳон сиёсати субъектлари сифатида олиб боради. Иккинчиси, улар ўзларининг шахсий манфаатларига ва халқаро миқёсда қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиш қобилиятига эга. ХННТлар тармоқ тузилмаси сифатида давлатлар манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида ишлай олади. ХННТларнинг тармоқ тузилмалари давлатлар томонидан ташқи сиёсий мақсадларига эришиш воситаси сифатида кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Ўзбекистоннинг ХННТ билан ўзаро ҳамкорлиги икки асосий шаклда амалга оширилади: субектив ва инструментал. Ўзбекистон замонавий халқаро сиёсатнинг мустақил субъектлари сифатида ХННТ билан ўзаро ҳамкорлик қиласи. Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини амалга ошириш учун ХННТлардан юмшоқ куч воситаси сифатида фойдаланади.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини амалга оширишда қўйидаги вазифалар устуворлик аҳамият касб этади.

**Биринчидан**, давлатимиз олиб бораётган очиқ, прагматик ва амалий ташқи иқтисодий сиёсатни инобатга олиб ҳамда узоқ муддатли стратегик мақсадларимиздан келиб чиқкан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси такомиллаштирилади.

**Иккинчидан**, ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничилик, иқтисодий стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз. [9]

Шундай қилиб, бир қатор давлатларнинг ташқи сиёсати воситаси сифатида ХННТларнинг таъсири доираси бир қатор омилларга бевосита боғлиқ: 1) ХННТлар фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати мавжудлиги ва етарлиги; 2) ҳокимиятнинг ижро этувчи ёки қонунчилик тузилмаларида ХННТ билан ўзаро алоқалар бўйича органнинг мавжудлиги; 3) ХННТларни солиқقا тортиш шакллари; 4) ХННТлар фаолиятини қўллаб-кувватловчи ташкилотлар ёки дастурларни тўғридан-тўғри ёки билвосита молиялаштириш шакллари; 5) давлат ва жамият бошқаруви ва соҳаларини модернизация қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар бериши; 6) ХННТни молиялаштириш шаффоғлигини текшириш амалиёти ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, ХННТлар давлат ташқи сиёсатининг классик воситаларига нисбатан жуда кўп афзалликларга эга. Улар глобал сиёсий жараёндаги глобаллашув ва нотинчлик шароитида маълум бир мамлакат ташқи сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлайдилар:

Биринчидан, мавжуд бўлган давлат худудида расмий мустақил равишда фаолият кўрсатадиган ХННТлар бошқа давлатнинг “буортмасини” бажариш хавфи мавжуд. ХННТлар ўзга давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият тўғрисидаги қимматли маълумотларни тўплаш ва ўзгаларга маълумот тарзида бериши мумкин.

Иккинчидан, ХННТлари томонидан фаол қўллаб-кувватланиши натижасида, давлатнинг ижтимоий ва сиёсий соҳасини глобал жара-

ёнларга интеграциялашишига қўмаклашиши мумкин.

Учинчидан, ХННТ жамиятда давлатнинг мафкуравий, сиёсий, маданий, конфессиявий қарашлари тўғрисидаги ғояларни шакллантириши мумкин.

Хозирги вақтда халқаро вазият ҳаддан ташқари мафкуралашган, хатарли ва зиддиятли бир пайтда, халқаро муносабатлардаги қарама-қаршиликларни юмишатиш учун ХННТларнинг роли ва иштироки ортиб бормоқда. Вақт ўтиши билан ХННТларнинг ички сиёсатига таъсири тобора қучайиб бориши, ҳукуматнинг халқаро майдондаги рақобат билан боғлиқ кўплаб сиёсий муаммоларни ҳал қилишда улардан фойдаланишга бўлган қизиқишини кучайтириди. Натижада, Ўзбекистон ҳукумати қуйидаги мақсадларга интилади:

Биринчидан, ХННТларнинг халқаро муносабатларга таъсири шакллари ва каналларини аниqlаш;

Иккинчидан, маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари келгусида ХННТ сифатида дунё сиёсатининг субъекти сифатида шаклланиш. Уларни ўз салоҳиятидан фойдаланган ҳолда мустақил ХННТга айланишини таъминлаш.

Хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, ХННТларнинг деструктив фаолияти пайтида аҳолини норозилик ҳаракатларида фаол иштирок этиш тенденцияси мавжуд. Ўзбекистон ҳар доим ушбу тенденцияни ХННТга нисбатан ҳисобга олган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда диний фаолиятга йўналтирилган ХННТларга йўл қўйилмайди. Мамлакатимиз миллий қонунларига кўра, бундай ХННТлар фаолиятига йўл қўймайди.

“Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди” [10. p. 10]

Россияда протестант оқимига мансуб ХННТларнинг тарқалишига келсақ, Россия олимларининг аксарият қисми улрага қараш. Россияда протестантлизмни тарқалиши Ғарбий Европанинг мамлакатлар тараққиётини тезлаштирадиган маданий янгиликларини тарқатиш вазифасини бажаради.

Бундан ташқари, баъзида ХННТлар мамлакатда фуқаролик жамиятининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳам истисно қилмаймиз. Шу сабабли биз улар билан масофани сақлашимиз керак, деб ҳисоблаймиз.

Жамиятшунос А.О.Наумов таъкидлага-нидек, ХННТ расмий фаолият билан бир қаторда, мамлакатнинг сиёсий фаол аҳолиси, биринчи навбатда, ёшлар орасида фуқаролик жамияти қуриш ва демократик эркинликларни амалга оширишнинг “тӯғри” йўли ҳақида фикрларни шакллантиришди. Бунда АҚШ ва Фарбий Европа давлатлари уларга намуна қилиб кўрсатишди. Улар жамоатчилик онгига тегишли стереотипларни сингдиришга ва миллий ўзлика хосликнинг анъанавий асосларини ўзгартиришга қаратилган технологиялардан фойдаланадилар. Улар Фарб ҳукumatлари сиёсатини халқаро майдонда илгари суришда яширин восита ролини ўйнайди ва суворен давлатларнинг ички ишларига аралашади”. [11 р. 63]

Демократик сиёсий жараёнларнинг янада ривожланиши сиёсий ҳаётда толерантлик тамойилининг тўлиқ амалга оширилишини талаб этмоқда. Шу билан бирга, уни амалга оширишнинг устувор йўналиши сиёсий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган жамиятни ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш бўйича ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдир.

Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий бағрикенглигини оширишга қуйидаги омиллар таъсир қиласи: Ишончни оқлаган ХННТларни мамлакатда эркин фаолияти; давлат органларининг ХННТлари билан конструктив ва прагматик ҳамкорлиги; маҳаллий ННТлар билан биргаликда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш; ХННТлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ва уларнинг лойиҳалари тӯғрисида фуқароларнинг хабардорлигини ошириш; ХННТларни маҳаллий ННТ билан жамият ҳаётини модернизация қилишда ҳамкорлигини таъминлаш; фуқаролар ва ёшларнинг халқаро ташкилотларнинг турли ижтимоий грантларида иштирок этиш.

Сўнгги йилларда ХННТлар Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнамқода. Масалан, улар: – давлат фаолиятига

тааллуқли бўлмаган масалаларни кўтаради; – жамоатчилик эътиборини талаб қиласидан халқаро масалалар бўйича маълумот тўплаш, ишлов бериш ва тарқатади; – бундай муаммоларни ҳал қилишда аниқ ёндашувлар ташаббускори бўлди ва ҳукumatларни тегишли битимларни тузишга ҳамда қарорлар қабул қилишга ундейди; – зарур қарорларни қабул қилишда ҳукumatлар ва халқаро тузилмаларни кўллаб-куватлади; – халқаро ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳукumatлар ва давлатларро тузилмалар фаолияти ҳамда ҳукumatлар ва ҳукumatлараро ташкилотлар томонидан ўз мажбуриятларини бажарилишини кузатиб боради; – жамоатчилик фикрини шакллантиради ва йирик халқаро муаммоларни ҳал қилинишида ҳар бир фуқарони иштирок этишига ҳисса қўшади.

## 2. Сиёсий-иқтисодий толерантлик – мафкура сифатида

Ҳозирги кунда жамият чуқур тизимли ўзгаришларни бошдан кечираётган бир пайтда, қадриятлар ўзгариб, халқимизнинг янги менталитети шаклланмоқда. Шу боис, “Толерантлик” тушунчаси ўз мазмун-моҳиятига кўра, ғайриоддий мафкурадан тортиб, ўта мураккаб бўлган шахсни, жамият ва давлатнинг мафкураси сифатида намоён бўлмоқда.

Сиёсий толерантлик – жамият сиёсий соҳаси субъектлари, сиёсий мафкуралар, сиёсий қадриятлар ва сиёсий ҳаракатларнинг ташувчиси сифатида намоён бўлади. Бу биринчи навбатда, турли сиёсий субъектларнинг позициясидир. Бу сиёсий рақибларнинг ўзларининг фикрлари, ғоялари, фаолияти ва бошқаларга нисбатан томонларнинг ўзаро ҳурматига асосланган толерант муносабатида намоён бўлади.

Толерантлик ғояси баъзи ҳолларда содда кўриниши мумкин, аммо унинг муносиб таърифи контекстга боғлиқ ҳолда – мафкуравий, диний ёки бошқа жиҳатдан унинг ўзига хос мазмуни ҳисобга олинганда юзага келади. Афсуски, тарихий шароитлар туфайли, Ўзбекистон халқининг менталитети тоталитаризм руҳи асосида ривожланди.

Замонавий босқичда толерантликнинг сиёсий контексти тоталитар ва миллатчилик тизимларига қарши бўлган либералистик

ғоялар асосида шаклланиши мумкин. Толерантлик маданияти мулоқот шаклида сиёсатга нисбатан – сиёсий мулоқот шаклида намоён бўлади. Унинг ёрдамида нафақат маълум бир миллат ёки диний мазҳаб вакилларини, балки толерант дунёқарашга эга бўлган инсонни кўришга ёрдам беради. Толерантлик хулқатвор нафақат сиёсий танлов, балки ахлоқий ва маънавий танловдир.

Сиёсий толерантлик “ҳокимиятнинг жамият ва ўз фуқароларининг ўзгача фикрлашларга йўл қўйишга тайёрлиги, конституция доирасида мухолифат фаолиятига йўл бериш, сиёсий курашда мағлубиятни етарли даражада тан олиш, сиёсий плюрализмни давлатдаги хилма-хилликнинг намойиши сифатида қабул қилишдир”. [12]

Рус сиёсатшуноси Е.Б.Шестопал сиёсий толерантликни қўйидагича таърифлайди. “Сиёсий толерантлик – бу сиёсий мухолиф вакилларга ва умуман сиёсий мухолифатга нисбатан толерантлик”, деб ҳисоблайди. [13. р. 45]

Россиялик социолог М.С. Мацковский эса сиёсий толерантликни “Турли партиялар ва бирлашмаларнинг фаолиятига, уларнинг аъзолари баёнотларига ва бошқаларга муносабат” деб таърифлайди. [14]

Тадқиқотчи Б. Каримовнинг фикрича, толерантликни ҳар қандай қўринишинг ривожланиши оиласда тарбиядан бошланади. Натижада, ёшлиаримиз толерант дунёқараш асосида тарбия топади. [15]

Тадқиқотчи З. Қодированинг фикрига кўра, аҳолида толерант маданиятнинг шакилланган бўлиши ижтимоий-сиёсий соҳаларда ижобий ўзгаришлар, модернизация жараёнларини юз беришига олиб келади. [16. р. 95]

Толерантлик феноменини категория сифатида кўриб чиқишимиз мумкин. Унинг таркибий қисми сифатида турли фалсафий, ахлоқий, мағкуравий тушунчалар ва ижтимоий идеаллар ташкил этади.

Россиялик сиёсатшунос В.В. Шалиннинг сўзларига кўра, “толерантлик инсоннинг турли фикрлари, ниятлари, қарашлари, зўравонликка мурожаат қилмасдан, инсон қадр-қимматини камситмасдан ва инсонпарварлик имкониятларидан фойдаланган ҳолда – ўзаро мулоқот, тушунириш, ҳамкорликда тушунишда намоён бўлади [17]

Сиёсий-иқтисодий толерантлик феноменини инсон ҳаётининг қадрият йўналиши нуқтаи назаридан ўрганиш, толерантликни инсоннинг биргаликдаги ҳаётини ташкил этувчи энг муҳим аксиологик шакллардан бири сифатида тушунишга имкон беради. Шу сабабли, замонавий Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги мулоқот алоқалари соҳасидаги сиёсий толерантликни ҳисобга олиш долзарбdir.

Агар демократик жараёнларда фуқаролик жамиятининг ўсиб борса, сиёсий мухолифатнинг ҳам шаклланишга олиб келади. Бу масофа табиий равишда камаяди ва толерантлик сиёсатининг имкониятлари ошиши мумкин. [18]

Замонавий Ўзбекистонда сиёсий толерантлик демократик жамиятнинг давлат ва фуқаролик жамиятини ўз ичига олган сиёсий маданиятнинг муҳим белгиси сифатида ривожланмоқда. Ушбу турдаги толерантлик жамоатчилик мулоқотида намоён бўлади. Сиёсий толерантликни ривожланишида давлат органлари, асоссациялар ва муассасалар, ХНТ, ННТ, жамоат ва кўнгиллилар ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, масжидлар, черков ва бошқалар бевосита иштирок этиши лозим бўлади.

Сиёсий толерантлик – инсоннинг асосий конституциявий хуқуқларни – бўлган сўз эркинлиги, фикрларини нашр қилиш, сайловларда бевосита қатнашиш хуқуқларидан фойдаланиши. [19]

### Хуласа ва таклифлар

Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш даражаси сиёсий-иқтисодий жараёнлардан ўзбек жамияти хавфсизлигини таъминлашга ва толерантликка асосланган сиёсий жараён барқарорлигини таъминлашни ўз ичига олади. Сиёсий толерантлик узоқ муддатга мўлжалланган хавфсизлик ва жамият барқарорлигига ўтишнинг энг истиқболли йўлидир. Бугунги кунда сиёсий толерантлик сиёсий акторларнинг фаолиятининг энг муҳим ахлоқий ва сиёсий принципи бўлиб хизмат қилади. Бу сиёсий партиялар, ҳаракатлар, ижтимоий ва бошқа гурӯҳлар ўртасидаги муносабатларни шакллантиришда бош ролни ўйнайди. Сиёсий субъектлар фаолиятига

қўйиладиган талабларнинг моҳиятини белгилайди, уларга риоя қилиниши зиддиятли тўқнашувларнинг олдини олишга ва тинчлик

ва хавфсизликни таъминлашга имкон берадиган асосий қоидаларни йиғиндисини белгилаб беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. <https://aspektcenter.ru/vsemirnyye-i-regional-nnye-pravitel-stvennyye-organizatsii-tablitsa/> (Мурожаат қилиш санаси 16.04.2022)
2. Кадиров М. Глобал фуқаролик жамиятини ривожлантиришомиллари. // Konsensus. xalqaro jurnal international journal of consensus. No2(2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0788-2020-2>. Б – 84.
3. Т.М.Быкова “Правовое положение международных неправительственных организаций,
4. Имеющих консультативный статус при межправительственных организациях” 12.00.10 – Международное право; Европейское право. Автореферат. диссертации на соискание ученой степени. Кандидата юридических наук. Москва – 2012. С 18-19.
5. Шагабиева Е. М. Международные неправительственные организации: их виды, особенности, категории и характеристика – Журнал «Власть», 2010. – С 56. Область наук: Государство и право. Юридические науки // <https://cyberleninka.ru>
6. J. Josep Lador-Lederer. International Non-Governmental Organizations and Economic Entities: A Study in Autonomous Organization and Ius Gentium (Leyden:A.W. Sythoff. 1963). p.377-379
7. Ferguson N. A world without power // Hoover institution digest. – 2004. – № 4.
8. Cheshkov M.A. Global studies as scientific knowledge. Essays on the theory and categorial apparatus. – M.: Scientific and educational forum on international relations, 2005. – S. 176-180.4.
9. Salamon L. Holding the Center: America’s Nonprofit Sector at a Crossroads. – N.Y.: Nathan Cummings Foundation, 1997. – P. 42-45.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. [www.prezident.uz](http://www.prezident.uz)
11. Tikhonenko O.O. The influence of Protestantism on the socio-economic processes of modern Russia: abstract. dis. ... cand. Philos. sciences. – M., 2012. – S. 4.
12. Naumov A.O. International non-governmental organizations and the problems of global governance // Public administration: electronic bulletin. 2013. No. 39.P. 63.
13. Asmolov, A. G. On the meanings of the concept of “tolerance” / A. G. Asmolov, G. U. Soldatova, L. A. Shaigerova // Century of tolerance. – 2001. – No. 1-2. – Access mode: <http://www.tolerance.ru/vek-tol/1-0-asmolov2.html>. – Access date: 08/09/2011.
14. Eliseev S.M. Features of political tolerance of students / S. M. Eliseev, I. V. Ustinova // Sociol. researched – 2010. – No. 6. – S. 45-51.
15. Matskovsky, M. Tolerance as an object of sociological research / M. Matskovsky // Century of tolerance. – 2001. – No. 3-4. – Access mode: <http://www.tolerance.ru/vek-tol/30-mackovskii.html>.
16. Каримов Б.Р. Ёшлар толерантлиги ва фаоллигининг ижтимоий-фалсафий таҳдили // «Ижтимоий фикр». – №3. – 2007.
17. З.Р. Кадырова, А.Д. Шарипов, В.Р. Алиева, Толлерантлик маданияти – давр тақозоси. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. – Б. 95
18. Shalin V.V. Tolerance (Cultural norm or political necessity). Rostov an Don 2000.
19. Sinelnikova L. N. On the content of the concept of “tolerance” in political discourse // Political Linguistics. 2010. No. 2.
20. Political and Racial Tolerance. Political Science 491-005, Spring 2003, [http://www.uky.edu/AS/PoliSci/Peffley/491Pol&RacialToleranceCourseDescr \(1-15-03\).htm](http://www.uky.edu/AS/PoliSci/Peffley/491Pol&RacialToleranceCourseDescr (1-15-03).htm)